

(9 ойлик яқунлари)

**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг марказий апарати, ҳудудий ва тасарруфий ташкилотлари раҳбарлари иштирокида, вазирлик тизими фаолиятининг 9 ойлик яқунлари ва жорий йилда устувор вазифалари бўйича Ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.**

Мазкур мажлисда Меҳнат вазири А.Абдуҳақимов томонидан вазирликнинг 2016 йил 9 ой яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган кўрсаткичларни сўзсиз бажарилишини таъминлаш чораларига асосий эътиборни қаратдилар.

Мажлис давомида меҳнат органлари фаолиятининг асосий яқунлари ва устувор вазифалари, 2017 йил Дастури доирасида манзилли рўйхатларини йўналишлар ва лойиҳалар кесимида ишлаб чиқилишини таъминлаш, шунингдек меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш бўйича асосий натижалар юзасидан ҳисоботлар тингланди.

Хусусан, Бандлик дастури доирасида ҳисобот даврида республика бўйича 762,6 минг иш ўринлари, жумладан мақсадли дастурлар бўйича 274,4 мингта иш ўринлари яратилган.

Иш қидираётган фуқаролар учун мақбул келадиган ишни қидириш муддатини қисқартириш мақсадида ташкил этилган 917 та бўш иш ўринлари ярмаркасида иштирок этган 43 мингта иш берувчилар томонидан таклиф этилган бўш иш ўринларга 43,9 минг нафар иш қидираётган шахсга ишга йўлланма берилди, қарийб 83 минг нафарига меҳнат ва бандлик масалалари бўйича маслаҳатлар берилди.

Меҳнат бозорида аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож тоифалари бандлигини таъминлаш учун маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда банд қилинган (квота) иш ўринларига 70,6 минг нафар фуқаро жойлаштирилди.

Ишсизларнинг меҳнат бозоридаги рақобатга бардошлигини кучайтириш ва иш билан таъминлаш мақсадида 5,2 минг нафар ишсиз фуқаро тикувчилик, тўқувчилик, электрик, пайвандчилик, бўёқчилик, сувоқчилик, компьютер техникаси оператори ва бошқа шу каби меҳнат бозорида талаб қилинаётган касблар бўйича ўқитилди.

“Усто-шогирд” усулида миллий ҳунармандчиликнинг гилам тўқиш, ганчкорлик, теридан, дарахтдан ва темирдан бадиий маҳсулотлар тайёрлаш, миллий қандолатчилик ва бошқа касб турлари бўйича 1,4 минг нафар ишсиз қайта ўқитилди ва ўргатилди.

Корхоналар билан ҳамкорликда 7,2 минг нафар ишсиз фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. Жойларда аҳоли меҳнат муносабатларига доир ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳуқуқ-тарғибот ва назорат идоралари ҳамкорлигидаги ишлар давом эттирилди.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенциялари талабларига амал қилиш борасида ХМТнинг Ўзбекистондаги вакили, Жаҳон банкининг ваколатхонаси мутахассислари ва экспертлари ҳамда Ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 2016 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш жараёнида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат ҳолатларини олдини олишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, ҳисобот даврида жами 1 715 та назорат тадбирларида меҳнат қонунчилигига оид 15,3 мингдан ортиқ камчиликлар аниқланди. Натижада, 1698 та

бажарилиши мажбур бўлган кўрсатмалар берилиб, 1120 нафар иш берувчи мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жарималар қўлланилди ва 1603 нафар фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг ишлаб чиқилган (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2016 йил 25 август куни маъқулланган ва 22 сентябрда имзоланган.

Мажлисида вазирлик тизимида иш юритиш, ижро интизоми назоратини ташкил этиш ва кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган амалий ишлар тўғрисида ҳисобот берилди.

Шунингдек, мажлис кун тартибидаги масалалар муҳокамаси якуни билан, Ҳукумат ва вазирлик топшириқларни белгиланган муддатларда пухта ижросини таъминлаш масаласига айрим меҳнат органлари раҳбарлари томонидан масъулиятсизлик билан сансалорлик ҳолатларига йўл қўйилганликлари ва тўлақонли бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасига асосан 5 нафар ходимга “ҳайфсан” эълон қилинди ҳамда 10 та туман Бандликка кумаклашиш маркази директорлари огоҳлантирилди.

Ҳайъат мажлиси кун тартиби буйича масалалар муҳокама қилинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди ва ижроси назоратга олинди.